

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Мусахҳих: Шералиева Ж.

Босишига руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

М.Исамиддинов

Қадимги Фарғона ва Суғд кулолчилигини ўрганишнинг айрим долзарб масалаларига доир 72

Б.Усмонов

Фарғона водийси Темурийлар даври тарихининг жаҳон темуршунослигига ўрганиши 77

Лианг Юн, Н.Камбаров

Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари 81

О.Пуговкина

Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби: Туркистонда "собиқ" империя амалдорларига бўлган ижтимоий эҳтиёж ва уларнинг сиёсий фаоллиги 90

А.Ўткиров

Хайрия ва ҳомийлик феномени илмий-назарий таҳлили 98

С.Хакимова

XIX-XX аср боши тарихий манбаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларига оид маълумотлар 103

С.Анаркулов

Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби ҳусусида 110

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Қобилова, Н.Турсунова

Татаббулар силсиласи 118

П.Туропова

Услуб жилолари ёхуд адаб маҳорати 123

Д.Гуломов

Ретроспектив сюжет ҳусусида айрим мулоҳазалар 128

М.Махмудова

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида сув иншоотлари ва боғдорчилик санъати 134

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, Н.Ғайбуллаева

Тиббий эвфемизмларнинг социал ҳосланиши 138

Т.Эназаров, С.Ғаниева

Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши тарихидан 145

М.Мамажонов

Антропонимларни дискурс релевантси сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий асослари 150

Ж.Абдуллаев

Тил қурилишининг асосий бирликлари академик Азим Ҳожиев талқинида 155

Д.Собирова

Ўзбек болалар шеърияти морфопоэтикаси 160

Д.Шокирова, Ш.Шокиров

Инглиз тилида "property-мулк" концепти тадқиқи 164

Н.Абдурахмонова

Ўзбек тили электрон корпуси учун матнлар репрезентативлиги масаласи 169

А.Мусоева

Cefr-нинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар 174

УДК: 911.375.4:338.45 (575.1)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРИХИ ВА
ТАРКИБИ ХУСУСИДА

ОБ ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ И СОСТАВЕ НАСЕЛЕНИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ
ГОРОДОВ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

ON ETHNIC HISTORY AND COMPOSITION OF THE POPULATION OF INDUSTRIAL
CITIES OF TASHKENT REGION

Анаркулов Сайфиддин Мухитдинович¹

¹Анаркулов Сайфиддин Мухитдинович – Ўзбекистон Миллий университети, таянч докторант.

Аннотация

Мақолада Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби дала тадқиқотлари, адабиётлар ва архив ҳужжатлари маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Воҳа аҳолисининг маҳаллий қисми турли этник гуруҳлардан иборат эканлиги, улар тил хусусиятига кўра туркӣ бўлғанлиги, қисман тожик тилида сўзлашувчи гуруҳларнинг яшаганиниг ўлқадаги маёждуд этнотопонимлар мисолида ёритилган. Минтақада европа тилини аҳолининг уюшган ҳолдаги манзилгоҳларининг шаклланиши XX аср бошларига тўғри келганлиги, асосий қатламнинг кўчиб келиши эса бевосита худудда саноат корхоналари, турли ГЭСларнинг қурилиши, шунингдек, айrim ҳалқларнинг депортация қилиниши билан боғлиқ бўлғанлиги илмий маълумотлар орқали очиқланган. Саноат шаҳарларининг полизтник муҳитига эга эканлиги, у ерда аралаш маданият белгиларининг пайдо бўлиши, турли этник гуруҳ вакиллари ўртасидаги оиласаларнинг кўпайишига туртки бўлғанлиги сўровлар натиҷажасига кўра асосланган.

Аннотация

В статье на основе полевых исследований, научной литературы и архивных документов анализируется этническая история и состав населения промышленных городов Ташкентской области. На примере существующих в регионе этнотопонимов показано, что местная часть населения оазиса в большинстве своем относится к представителям тюркской языковой группы и частично является таджикоязычным. Научными данными выявлено, что формирование в регионе поселений, жители которых были носителями европейских языков восходит к началу XX века, а миграция основного слоя населения напрямую связана с появлением промышленных предприятий в регионе, строительством различных гидроэлектростанций, а также депортацией определенных народов. Кроме того, результатами опросов подтверждается, что промышленные города имеют полизтическую среду, в которой возникновение смешанных культурных черт привело к увеличению количества семей между представителями различных этнических групп.

Annotation

The article analyzes the ethnic history and composition of the population of industrial cities of the Tashkent region on the basis of field research, scientific literature and archival documents. Using the example of ethnonyms existing in the region, it is illustrated that the local part of the oasis population mostly belongs to the representatives of the Turkic language group and is partially Tajik-speaking. Scientific data revealed that the formation of settlements in the region, whose inhabitants were native speakers of European languages, date back to the beginning of the twentieth century, and the migration of the main population is directly related to the emergence of industrial enterprises in the region, the construction of various hydroelectric power plants, as well as the deportation of certain peoples. In addition, survey results confirm that industrial cities have a multi-ethnic environment in which the emergence of mixed cultural traits has led to an increase in the number of families between representatives of different ethnic groups.

Таянч сўз ва иборалар: Тошкент вилояти, этник тарих, этник гурух, этнотопоним, аралаш маданият, саноат шаҳри, саноат корхоналари, ГЭС, маҳаллий миллат, депортация, шаҳар муҳити, аҳоли манзилгоҳлари, анаъанавий хўжалик, миграция, демография, урбанизм, қурамалар.

Ключевые слова и выражения: Ташкентская область, этническая история, этнос, этнотопоним, смешанная культура, промышленный город, промышленные предприятия, гидроэлектростанция, коренные народы, депортация, городская среда, поселения, традиционное хозяйство, миграция, демография, урбанизм, кураминцы.

Key words and expressions: Tashkent region, ethnic history, ethnus, ethnonym, mixed culture, industrial city, industrial enterprises, hydroelectric power station, indigenous peoples, deportation, urban environment, settlements, traditional economy, migration, demography, urbanism, kuraminians.

ТАРИХ

Тошкент воҳаси инсоният қўним топган энг қадимги гўшалардан бири ҳисобланади. Буни ҳудуднинг қулай шароитга эга минтақада жойлашганлиги, аҳолининг ҳаёт кечириши учун имкониятларнинг кенг бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Воҳада илмий тадқиқотлар олиб борган қатор олимларнинг асарларида бу ерда қадимдан кишиларнинг яшаб келганлиги қайд этилган [1,153]. Олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган аҳоли манзилгоҳларининг хусусиятлари таҳлил этилиб, вилоят ҳудудидаги протосак уруғ жамоаларининг ўтроқлашиш жараёни масаласига ойдинлик киритилди [2,212]. Шунингдек, қадимда бу ерда яшаган аҳолининг ўзига хос маданият соҳиблари бўлганлиги моддий манбалар асосида исботланди [3, 45]. Қолаверса, мазкур минтақа ўзининг бир неча маданий қатламлари изчиллигига эгалиги таъкидланди [4,40; 5,115]. Нихоят, ўзбек ҳалқининг давлатчилиги ҳамда элат бўлиб шакланишида муҳим ўрин тутган Қанг давлатининг шу воҳада ташкил топгани, сўз бораётган ўлка тарихининг нақадар чуқур илдизга эга эканлигини кўрсатади.

Маълумки, Қанг давлатининг этник таркиби бир хил бўлмаган. Унинг таркибида сак, сакараук, аssiан, массагетларнинг айрим гуруҳлари, тоҳар, сўғдий ва бошқа эрон тилли этнослар бўлган [6, 84]. Бундан чиқадики, вилоят аҳолиси азалдан бир нечта этник бирликлардан иборат бўлиб келган.

Оҳангарон водийси бўйлаб бугунги кунгача сақланиб келаётган турли этнотопонимлар, масалан, Жалойир, Ойтамғали, Қуштамғали, Керейит, Жағалбайли, Қорахитой каби қишлоқлар, шу номдаги туркий қабилаларнинг бу ерга кўчиб келиб жойлашганлигини билдиради. Бу эса Ўрта асрларда ҳам ҳудудга турли қабилаларнинг келиб жойлашуви давом этганлигини кўрсатади. Санаб ўтилган этносларнинг айримлари мўғуллашган туркий қабилалар эди [7, 12].

Тошкент вилояти ҳудудига турли этносларнинг кўчиб келиши жараёни XX асрда ҳам рўй берди. Бу бевосита воҳада

саноат шаҳарларининг шаклланиши билан боғлиқ эди. Ушбу аҳоли миграциясининг аввалгиларидан фарқли томони шундан иборатки, вилоятнинг этник таркиби турли дин, тил ва маданият соҳиблари бўлган европалик миллат вакиллари ҳисобига бойиб борди. Натижада саноат марказларида кўпмиллатли (полиэтник) муҳит шаклланди. Агар биз мазкур саноат марказларининг аксарияти Оҳангарон водийсида жойлашганлигини инобатга олсак, XX асрда рўй берган аҳолининг кўчиб келиши жараёни Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолиси этник тарихининг ажралмас қисми сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, шаҳарлар антропологиясини тадқиқ этишда унинг тарихини ўрганиш муҳим жиҳат ҳисобланади [8, 129]. Бу борада воҳа аҳолисининг этник хусусияти икки қатламлилиги билан аҳамиятлидир. *Биринчиси*, азалдан яшаб келган маҳаллий аҳоли ва улар негизидаги турли этнографик гуруҳлар, *иккинчиси* эса маҳаллий бўлмаган (европалик) миллат вакилларидан иборат этник гуруҳлардан иборат ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, Оҳангарон водийсида бугунги кунда сақланиб келаётган турли номдаги этнотопонимлар, аҳоли таркибидаги этнографик гуруҳларнинг мансублиги масаласига ойдинлик киритишга имкон беради. Масалан, Туркқишлоқ, Турковул каби қишлоқларнинг мавжудлиги ўзбекларнинг турк уруғи яшаганлигини кўрсатади. Ушбу аҳоли манзилгоҳлари асосан Оҳангарон сув омбори, Сергенексој сингари сув манбаларига яқин жойда жойлашганлиги, уларнинг анъанавий хўжалигига дехқончиликнинг муҳим рол ўйнаганини кўрсатади. Воҳада Қўштамғали, Ойтамғали, Вахтамғали каби қишлоқ ва овулларнинг борлиги айрим кўнғирот уруғларининг ҳудуд бўйлаб тарқалганлигини кўрсатади. Маълумки, сўнгги санаб ўтилган этник бирликлар кўнғирот қабиласининг уруғлари сирасига киради [9, 329]. XX асрда ўзбеклар таркибидаги кўнғиротларнинг асосий қисми Сурхон воҳасида яшаб, уларнинг

сони 30 минг кишидан ортиқ бўлганлиги қайд этилган [10, 70]. Бу ерда яшаган туркий тилли этнослардан яна бири қипчоқлар бўлиб, Оқтов, Ертош, Қорабоғ каби қишлоқларда истиқомат қиласидилар. Уларнинг асосий машғулоти аждодлари сингари асосан дәхқончиликдан иборат. Қипчоқларнинг бу ерга кўчиб келиб жойлашуви борасида турли маълумотлар кўзга ташланади. Масалан, Кўқон хонлигига рўй берган қипчоқлар қирғини даврида қочиб ўтганлиги, шунингдек, совет ҳукуматининг худудда пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида Фарғона водийсидан аҳолининг кўчириб келиниши билан боғлиқ эканлиги хусусидаги фикрлар мавжуд [11,46]. Бундан келиб чиқадики, қипчоқларнинг худудга келиб жойлашуви бир неча тарихий даврни ўз ичига олиб, асосан, XIX – XX асрларда рўй берган, дейиш мумкин. Шунингдек, аксарият қипчоқлар яшайдиган Фарғона водийсининг табиий-географик жойлашувига кўра Тошкент воҳасига яқинлиги мазкур этносларнинг водийдан кўчиб келган, деган эҳтимолнинг ўринли эканлигини кўрсатади.

Қурамалар сон жиҳатдан худуддаги бошқа этник бирликларга нисбатан кўпчиликни ташкил этувчи этнографик груҳ ҳисобланади. Улар азалдан Оҳангарон водийси бўйлаб жуда кенг миңтақада яшаганлар. Шунинг учун ўлқадаги йирик тоғ тизмаларидан бирининг номи айнан шу лтнос номи билан номланган. Ҳатто мазкур этномоним ўлқанинг алоҳида маъмурий бирлиги сифатида ҳам мавжуд бўлган. XX асрнинг 20-йилларидағи аҳоли рўйхатида қурамалар нафақат воҳанинг, балки Ўзбекистон ССР аҳолиси таркибида сезиларни улушни ташкил этган. Уларнинг бу даврда 50 минг кишига яқин бўлганлиги қайд этилган [12, 355]. Қурама сўзининг этник хусусият касб этмай, балки бир неча уруғларни ўз ичига олиши натижасида ушбу аҳолига “аралашган, қоришган” маъносидаги “қурама” атамаси қўлланилганлиги айтилади [13, 46-55]. Лекин шуни айтиш керакки, қурамалар асосан ўзбеклар, қисман қозоқларнинг таркибидаги уруғ сифатида ҳам эътироф

этилган [14, 604-749]. Ҳатто, XX асрнинг 20-йилларида рўй берган миллий-худудий чегараланиш даврида қурамалар истиқомат қиласидиган худудлар масаласида баҳс-мунозаралар юзага келиб, қурамаларнинг этник хусусияти ва хўжалик фаолиятига кўра ўзбеклар ёки қозоқларга мансуб эканлиги муаммоси кўтарилиган [15,55]. Қолаверса, Тошкент воҳасидаги Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон каби саноат шаҳарлари аҳолиси орасида бугунги кунда ҳам ўзларини қурамалар деб ҳисоблайдиган гуруҳларнинг мавжудлиги, “қурама” атамасининг пайдо бўлиши хусусиятларидан қатъий назар, аҳоли орасида этник маънода қўлланилганлигини кўрсатади.

Чирчиқ шаҳри тарихи ва юксалиши бевосита худуддан оқиб ўтган Чирчик дарёси билан муштарақ эканлиги кўргина адабиётларда қайд этилган [16,214]. Авваллари бу ерда яшаган ўзбек ва қозоқлар асосан чорвачилик билан шуғулланганлар. Маҳаллий аҳоли асосан Ниёзбек, Қипчоқ ва Жалоир каби қишлоқларда яшаб, 1926 йилги аҳоли рўйхатида уларнинг сони 1025 нафар эканлиги қайд этилган [16.150]. Троицкий қўрғони худуддаги европалик миллат вакилларининг илк манзилгоҳларини пайдо бўлиши XIX асрнинг сўнгги чорагига тўғри келади [17.89]. Православ черкови қурилишининг шу даврда амалга ошганлигини инобатга олсак, ушбу маълумотларни ҳақиқатга яқин дейиш мумкин.

Чирчиқ шаҳрининг пайдо бўлиши бевосита ГЭСнинг Чирчиқ каскадини барпо этиш билан боғлиқдир [18.42]. Мавжуд шарт-шароитлар бу худудда кўплаб саноат корхоналарининг барпо этилишига имкон яратган. Саноат корхоналари ва ГЭС ларни барпо этишга марказдан мутахассислар жалб этилди. Шу тариқа бу ерда аҳолининг таркибига маҳаллий бўлмаган миллат вакилларининг келиб қўшилиши кенгайди.

Худудда саноат корхоналари қурилишининг кенгайиб бориши, бу ерда яшаётган аҳолининг анъанавий турмушига таъсир этмасдан қолмади. Биринчи навбатда яйловларнинг қисқариб

ТАРИХ

бориши туфайли уларнинг чорвачилик билан шуғулланиши қийинлашиб борди. Натижада маҳаллий аҳоли секин-аста ўз машғулотларини алмаштириб, саноат корхона ишчиларига айланди. Чорвачиликни давом эттирганлар эса теварак атрофдаги адирларга кўчиб ўтдилар.

Эндиликда маҳаллий аҳолига хос бўлган анъанавий уйлар ўрнида, қизил томли (черепицали), ғиштли ёки панелли уйлар пайдо бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллий аҳолининг анъанавий турар жойларини бу ҳолатда куриш ўлканинг табиий шароитидан келиб чиқсан ҳолда шаклланган эди.

Айтиш керакки, бу ердаги бунёдкорлик ишлари маҳаллий ёшлардан ташқари, барча иттифоқдош республикалардан келган кўпгина кўнгиллилар томонидан амалга оширилди ва ўз навбатида бу жараёнда Чирчиқга европалик миллат вакиллари кўчиб келишининг навбатдаги босқичи бўлди. Жумладан, Москва, Ленинград, Днепровск шаҳарларидан турли миллат вакилларидан иборат кўпгина мутахассислар ва ишлини ходимлар бу ишларда фаол бўлган. Шунинг учун “Чирчиқ бутун совет халқи томонидан курилди”, деб таърифланди [19, 12].

Саноат тармоқларининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, турли соҳа вакилларининг аҳоли таркиbidагi улушининг ортиб боришига олиб келди. Ижтимоийлик нұқтаи назардан олиб қараганда, Чирчиқ ишчилар шаҳри бўлиши билан баробарида бу ерда полиэтник мухит ёки турли маданият вакилларидан иборат майдон шаклланди. 1936 йилда Чирчиқ шаҳрида 36 миллат вакили қайд этилган бўлса [20, 2], уруш арафасида уларнинг сони 40 дан ошди [19, 12]. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий таркиби ҳам ўзгариб борди. Зиёли қатлам улуши ўсиб борди. Масалан, академик М.Набиев (ЎзССР ФА Кимё институтини бошқарган), И.Анисим (Ўзбекистон Компартияси МҚ секретари), А.Костандов (СССР кимё саноати вазири бўлиб ишлаган), шу шаҳардан етишиб чиқсан.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Чирчиқ шаҳрига бошқа республикалардан аҳоли кўчиб келди. Суми шаҳридан

Фрунзе номидаги машинақурилиш заводи, Ленинграддан “Электропульт” заводи ва “Ростсельмаш” каби иттифоқ миқёсидаги энг йирик ҳисобланган заводлар кўчирилди. Бу жараён саноат корхоналари кўчириб олиб келинган Ленинград, Воронеж, Тамбов, Суми ва бошқа шаҳар ишчилари Чирчиқка кўчирилди. Бундан ташқари, уруш йилларида депортация қилинган қrim татарлари, чеченлар, греклар ва бошқа халқлар шаҳарга кўчириб келинди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам шаҳар аҳолиси кўпайиб борди. 1959 йилда Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси сони 2720 минг киши бўлган бир пайтда, Чирчик шаҳрининг ўзида 65 минг кишига етди [21, 255].

60-йиллардан бошлаб чирчиқларнинг майший турмушида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Уруш йилларида аҳоли сони билан турар жойлар, майший турмушдаги зарур иношоотлар, маданий ва таълим муассасалари ўртасидаги юзага келган номутаносибликлар бартараф этилди.

Кўшни ҳудудда Чорвоқ сув омборининг қурилиши муносабати билан Богоистон қишлоғи аҳолисининг бир қисми Чирчиқ шаҳрига кўчирилди (асосий қисми Бекободга кўчирилган) [22]. Натижада шаҳар аҳолиси таркибида тоҷикларнинг салмоғи кўпайди. 80-йилларга келганда Чирчиқда яшаётган миллатларнинг сони 72 тага етди [23, 3].

90-йилларда юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммолар даврида шаҳардаги аксарият саноат корхоналарининг фаолияти қисқариши билан кўпгина аҳоли вакиллари (асосан европа миллати) кўчиб кетди. Бугунги кунга келиб, Чирчиқ шаҳрида жами 44та маҳаллада 160 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, улардан 65 мингдан ортиғи ўзбеклар (40,9 фоиз), 40 мингдан ортиқ рус (25 фоиз), 24 мингдан ортиқ қозоқ (15 фоиз), 18 мингдан ортиқ тоҷик (11 фоиз) ташкил этади [24]. Шунингдек, шаҳарда қорақалпоқ, украин, белорус, грузин, татар, корейс, туркман, молдован, немис, лўли каби кўплаб миллат вакиллари истиқомат қилмоқда [25]. Сўровлар орқали саноат шаҳарлари аҳолисининг европалик миллат

вакиллари орасида шаҳардан кўчиб кетаётганлигига гувоҳ бўлган ҳолда, расмий маълумотларда шаҳардаги демографик ҳолатнинг ўсиш ҳолати қайд этилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, иккита хulosага келиш мумкин. Биринчидан, табиий ўсиш ҳисобига демографик мувозанат сақланиб турибди, қолаверса ички миграциялар натижасида шаҳарга вилоятлардан кўчиб келувчи этнографик гурухлар ҳисобига аҳолининг механик ўсиши давом этаяпти. Бу жараёнлар шаҳар аҳолисининг таркибида маҳаллий миллат вакиллари салмоғининг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Ангрен шаҳри географик жиҳатдан Қурама ва Чотқол тоғлари оралиғидаги водийда жойлашган бўлиб, табиий қазилма ресурсларга бойлиги кончилликнинг жуда эрта бошланишига сабаб бўлган.

Шаҳар номининг келиб чиқиши борасида қатор маълумотлар учрайди. Улардан бирида “Ангрен” атамаси, ҳудуддан оқиб ўтувчи дарёга маҳаллий аҳоли томонидан “ҳангран” кўринишида истеъмолда бўлган. Ушбу сўз қурама шевасида бўлиб, ҳайқириб оқувчи сув маъносида қўлланилган [26, 101]. Агар ҳудуднинг дарё бошланиш нуқтасига яқинлигини, бундай рельефда сувнинг доимо шиддат билан оқишини инобатга олсан, юқоридаги фикрни тўғри дейиш мумкин. Бироқ ушбу фикрларни инкор ўтувчи қатор мулоҳазалар ҳам йўқ эмас [27, 101].

Олмалиқ шаҳри ҳудудида аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлиши ва тарақкий этиши бу ернинг рангли металл хом ашёсига бой эканлиги билан бевосита боғлиқдир. Қурама тоғ тизмаларида ястаниб ётган мазкур макон илк Ўрта асрларда Илоқ вилоятининг маркази бўлган Тункат шаҳри бўлганлиги эътироф этилса-да [26. 5], ўтган асрнинг ўрталарида бу ерда археологик қазув ишларини олиб борган М.Массон шаҳарнинг ёши 2000 йилдан кам эмаслигини қайд этган [28, 22].

Олмалиқ топонимининг вужудга келиши бевосита шу минтақада азалдан яшаб келган қурамалар томонидан берилган дейилса хато бўлмайди. Чунки

Қурама тоғ тизмаларида яшовчи аҳолининг жойларни номлашда ўсимликлар ёки жойнинг табиий хусусиятидан келиб чиқиш анъанаси бўлган. Ҳудудда жойлашган Ёнғоқлисой, Ўриклисой, Олмалисой, Қизилолма, Ўриқбел, Олмазор, Жийдали, Теракли, Иргайли, Бурганли, Жилғинчи каби топонимлар шундан далолат беради. Шаҳар номининг келиб чиқиши юзасидан турли тахминлар қанчалик кўп бўлмасин, улар Олмалиқ шаҳрининг мевали дарахт (олма) билан тарихий боғланишини акс эттирувчи халқ дунёқарашини ўзгартира олмайди [29, 124].

Олмалиқда яшаган этник гурухлар хусусида тўхтатланда, бу ерда асосан қурамалар яшаган. В.Радлов мазкур минтақаларда яшовчи қурамаларнинг бешта уруғ – жалойир, телов, тома, жағалбайли ва тароқлидан иборат эканлигини таъкидлайди. Ўз навбатида мазкур уруғ таркибиға кирувчи қатор тармоқлар мавжуд бўлиб, Оҳангарон водийсида мавжуд Қорасийроқ, Ойтамғали, Қорахитой, Жалойир, Қуёнқулоқ, Жағалбайли каби кўплаб этнотопонимлар қурама номи бир неча уруғ, қабилаларни бирлаштирганлигини кўрсатади. Айрим адабиётларда минтақада ўзбек-қурамаларининг япалоқ, самарчук, кўчартўп, бойтўп, қалмоқтўп, қатағон, жағалбайли, сувти, саритамғали, элтамғали, ачамайли, самирак, жалойир, уйшун, керайит, олчин, аргин, кебанак, чиликчи, чилкор, қорасийроқ, қайсар, тортувли, болғали, қайтмас, санам, шийқа, галаботир, жунбош, обиз, мўғул, бўрончи, эйвалак, керовчи, тама, телов, тароқли, дўлот, шунингдек, чамбил, қорахитой, тақали, ойтамғали, қорақўйли, жалама (яллама) каби 92 бовли ўзбек уруғлариға мансуб кишилар азалдан яшаб келганлиги ва уларнинг ҳар бирига хос белги –тамғалари бўлганлиги таъкидланади [30, 81].

Ўтган асрда Олмалиқ ҳудудига маҳаллий бўлмаган миллат вакилларининг кириб келиши билан, шаҳарда этник жиҳатдан ўзига хос қиёфа вужудга келди. Турли этник бирликлар ва этнографик гурухлардан ташқари Олмалиқда европалик миллат

ТАРИХ

вакилларининг қатлами шаклланди. Бу жараён Олмалиқ шаҳрининг саноат марказига айланиб бориши билан бирга рўй берди.

ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1932 йил 23 мартағи қарорида Ўрта Осиёдаги энг йирик Олмалиқ мис қўйиш заводининг қурилиши нафақат ҳалқ хўжалиги, балки сиёсий жиҳатдан ҳам аҳамиятли эканлиги қайд этилди. Бу борада қилинган саъ-ҳаракатлар натижасида 1932 йилда Олмалиқ кон – металлургия бирлашмасига асос солинди, шунингдек, 1939 йилда партияниң XVIII съездиде Олмалиқ комбинатини қуриш зарурлиги таъкидланди [31, 4]. Бу пайтда Олмалиқ Пскент тумани таркибидаги ишчи посёлкаси сифатида юритилиб, 1939 йилги аҳоли рўйхатида 584 нафар киши борлиги қайд этилган [32,2].

1939 йилга келиб Олмалиқ шаҳрини барпо этиш бўйича ЎзССР Геология бошқармаси қўйидаги учта асосий масалани кун тартибига қўйди:

- 1) шаҳар сув таъминотини йўлга қўйиш;
- 2) маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланиш;
- 3) келгусидаги қурилиш ишларида худуднинг ўзига хос табиий шароитини ҳисобга олиш [33,12].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Олмалиқдаги қурилиш ишлари тўхтаб қолди. 1946 йилдан қурилиш ишлари қайта бошланиб, 1947 йил охирида Олмалиқ қишлоғи ўрнида ишчи посёлкаси вужудга келди. 1951 йилнинг 10 июлида Олмалиқ посёлкаси шаҳар мақомини олди ва шундан сўнг унинг саноат шаҳри сифатидаги тарихи бошланди [34,1].

Дастлабки йилларданоқ саноат шаҳрининг моддий-техник базасини яратишга алоҳида эътибор берилди. 1957 йилга келиб Олмалиқ комбинати тўла замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Совет ҳукумати ёш саноат шаҳарларида мутахассисларга бўлган талабни марказий шаҳарлардан жалб қилиш ёки маҳаллий ёшларни тоғ-кон саноати ва рангли металлургия соҳасининг мутахассиси қилиб тайёрлаш йўли билан қаноатлантиради.

1955 йилда Тошкент вилоятининг саноат шаҳарларига 435 та оила ёки 1019 нафар кишини кўчириш белгиланди. Тегишли ҳужжатларда 393 та оиланинг турар-жойга эҳтиёжи борлиги қайд этилди. 1957-1960 йилларнинг ўзида Олмалиқ шаҳрига 1074 нафар малакали ишчи кўчириб келинди [35,279].

Шаҳар аҳолисининг ўсиши жуда юқори бўлиб, Тошкент вилоятидаги бошқа саноат шаҳарлари сингари Совет Иттифоқи бўйича етакчи ўринни эгаллаган. 1950 йилда Олмалиқда 3779 нафар киши рўйхатга олинган [36,2], 70-йилларда эса аҳоли сони 95 минг кишини ташкил этган. Бу даврда Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолиси эса 1695,2 минг нафарни ташкил этди. Шундан 128 минги – Чирчиқ, 98,9 минг – Ангрен, 61,1 минг – Бекободнинг ҳиссаларига тўғри келди [37,14]. 1983 йилга келиб бу кўрсаткич – Олмалиқда 109,4 мингни ташкил этди [38,14]. Таъкидлаш керакки, шаҳар аҳолисининг ўсишида бу ерга келиб таълим олувчи талабаларнинг ҳиссалари ҳам катта бўлди. Масалан, 1984 йилда Политехника институтининг Олмалиқ филиалида 1081 нафар металлургия саноати мутахассиси тайёрланди.

Манбаларда бошқа саноат шаҳарларидан фарқли ўлароқ, Олмалиқ шаҳри аҳолиси таркибида маҳаллий бўлмаган миллат вакилларининг кўпчиликни ташкил этганлиги, чунки саноат тармоқлари ишчилари асосан европалик миллат вакиллари ҳисобига қопланиб, улар бу ерга келганда “деярли бўш жойларга” жойлашганлиги айтилган [18, 161]. Лекин дала тадқиқотлари буни тасдиқламайди. Европалик миллат вакиллари сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этган бўлиши мумкин. Лекин улар ҳеч ким яшамайдиган жойга келиб ўрнашганликлари унчалик ҳам тўғри бўлмаса керак. Чунки ўзининг қурама эканлигини таъкидлайдиган аҳоли вакилларининг аксарияти асосан Олмалиқ шаҳрида истиқомат қиласидилар. Ундан ташқари аҳолининг қурама бўлмаган қисми эса (асосан Фарғона водийси вакиллари) ўзларининг фарғоналий эканликларини ҳозирги кунгача ҳам сақлаб келмоқдалар.

Шаҳар аҳолиси механик ўсиши ҳам саноат марказларининг миллий таркибини бойитиб борди. Чунки, бу худудларга Совет давлатининг турли

республикаларидан аҳолининг доимий кўчиб келиши кузатилган. Бу борада архив ҳужжатларига таяниб, қуйидагича манзарани тасвирлаш мумкин:

1-жадвал

Саноат шаҳарлари	Кўчиб келди	Кўчиб кетди	Механик ўсиш
1977 йил			
Олмалиқ	1381	1148	233
Ангрен	1231	716	460
Бекобод	760	716	44
Чирчик	1455	960	495
Янгийўл	587	556	31
1980 йил			
Олмалиқ	1059	871	188
Ангрен	948	665	283
Чирчик	1038	879	159

Айтиш мумкинки, Олмалиқ шаҳрининг ташкил топиши ва аҳолисининг шаклланишида саноат корхоналари, хусусан, рангли-металлургиянинг ривожланиши алоҳида ўрин тутади. Улар Олмалиқни ишчи посёлкасидан саноат шаҳрига айлантириш баробарида, бу ердаги аҳолининг этник таркиби, турмуш тарзи ва ўзига хосликнинг шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнадилар.

90-йилларда Тошкент вилоятининг саноат шаҳарларида кузатилган аҳолининг оммавий тарзда кўчиб кетиши, депопуляция жараёнлари нисбатан суст кечади. Буни, биринчи навбатда, саноат корхоналарида ишлаётганларнинг аксарияти маҳаллий миллат вакиллари бўлганлиги, шунингдек, кон саноатининг бир маромда ишлаб турганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бошқа саноат шаҳарлари билан солиштирилганда, Олмалиқда европа миллат вакилларининг сони кўпчиликни ташкил этади. Сўнгги йилларда эса шаҳар аҳолисининг ҳам табиий ўсиши ҳам механик кўпайиши мусбат кўринишда бўлмоқда.

Хозирги кунда Олмалиқ шаҳридаги жами 51 та маҳаллада расмий маълумотлар бўйича 20 га яқин миллат вакилларидан иборат 133 мингишидан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Ўзбеклар 69 мингдан ортиқ (52,1 фоиз), руслар 27 мингдан ортиқ (20,4 фоиз), қозоқлар 14 мингдан ортиқ (10,9 фоиз), корейслар 6 мингдан ортиқ (4,7 фоиз),

тоҷиклар 4,9 мингдан ортиқ (3,7 фоиз)ни ташкил этади [24]. Шунингдек, шаҳарда яхудий, украин, белорус, уйғур, немис, туркман, арман каби бошқа миллат вакиллари истиқомат қилиб келмоқдалар.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, саноат шаҳарлари аҳолисининг демографияси табиий ўсишдан кўра кўпроқ механик кўпайиш билан боғлиқ бўлиб қолди. Буни ташкил этилган янги саноат корхоналарига иттифоқдош республикаларнинг турли шаҳарларидан ишчиларнинг кўчириб келиниши билан баҳолаш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, саноат шаҳарлари аҳолиси таркибининг маҳаллий бўлмаган этник гуруҳлар ҳисобига бойиб боришига хизмат қилди. Саноат шаҳарлари аҳолиси таркибида туб ерли этник гуруҳлар фақатгина табиий ўшиш ёки маълум бир маъмурий-худудий ўзгаришлар ҳисобига ортиб борди.

Кўпмиллатли саноат шаҳарларидаги ўзига хос маданият муҳитининг шаклланиши, бу ерда яшаётган турли миллат вакилларининг яқин алоқалари, миллатларо тутувлик, қардошлик тамойиллари асосига курилганлиги айтилса-да, бундай ўзига хос маданий муҳитнинг шаклланишига мафкуранинг совет фуқаросини тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳам сезиларли таъсир кўрсатганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳатто саноат шаҳарлари вақтли матбуотининг фаолияти ҳам шунга йўналтирилган эди.

ТАРИХ

Шунинг учун Тошкент вилоятининг саноат шаҳарлари аҳолиси ўзларини “металлурглар” сифатида таний “энергетиклар”, “кимёгарлар”, “кончилар”, бошладилар.

Адабиётлар:

1. Тереножкин А.И. Согд и Чач. – М., 1950.
2. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
3. Дуке Х. Туябугузское поселение Бурглюкской культуры. – Ташкент, 1982.
4. Филанович М.И. –Ташкент: за рождение и развитие города и городской культуры. – Т.: Фан, 1983.
5. Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Т., 2010.
6. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001.
7. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968.
8. Caroline B. Brettell. Urban History, Urban Anthropology, and the Study of Migrants in Cities. Article in City & Society. June 2008.
9. Этнический атлас Узбекистана. – Т., 2002.
10. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976.
11. Рассоқов А. Оҳангарон гавҳарлари. – Т.: Oltin Meros Press, 2019.
12. Бартольд В. Сочинения. Т.5. – М.: Наука, 1977.
13. Кармышева Б.Х. «Кочевая степь» Маверанахра и ее население в конце XIX – начале XX вв. // Советская этнография, №1. – М., 1980.
14. Радлов В. В. Из Сибири. – Москва, 1989.
15. Узбеки. – Москва: Наука, 2011.
16. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. –Т.: Фан, 1982.
17. Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 г. В УзССР, вып. 1. – Самарканд, 1927.
18. История новых городов Узбекистана. Ташкентская область. – Т.: Фан, 1976.
19. Якубов Ф., Салимов Т. Чирчик. –Т.: Узбекистан, 1970.
20. “Правда Востока”, 9 февраля 1936 г.
21. Народы Средней Азии и Казахстана. Кол. авт. Т.1. – М., 1962.
22. Даала тадқиқотлари. Чирчик шаҳри, 2021 йил, май.
23. Савченко Н., Джалилов А. Чирчик. – Т.: Узбекистан, 1980.
24. Тошкент вилояти статистика бошқармасининг 01.01.2021 йил ҳолати бўйича маълумоти.
25. Чирчик шаҳар ҳокимлигининг Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлими маълумотлари.
26. Рассоқов А. Оҳангарон гавҳарлари. – Т.: Oltin Meros Press, 2019.
27. Муҳаммад Сайд. Оҳангарон ва Ангрен бир номдаги икки шаҳарми? / Тошкент ҳақиқати. - 2020 йил 14 марта сони.
28. Массон В.М. Ахангараң. Археол. топог. очерк. – Т.: АН УзССР, 1953.
29. Мирзақулов Т., Ҳасанов А. Олмалиқ асрлар силсиласида: тарих, истиқбол ва бунёдкорлик. – Олмалиқ, 2021.
30. Ёрматов И. Илоқ тарихи. – Т., 2005.
31. Файзулаев Х. Олмалиқ новаторлари. – Т.: Ўздавнашр, 1958.
32. ЎзРМДА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 701-иш, 2-жадвал.
33. ЎзРМДА. Р-2104-фонд, 1-рўйхат, 122в-иш, 12-варақ.
34. ЎзРМДА. Р-2104-фонд, 1-рўйхат, 122в-иш, 1-варақ.
35. ЎзРМДА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 1791-иш, 279-варақ.
36. ЎзРМДА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 1509-иш, 2-варақ.
37. ЎзРМДА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 3610-иш, 14-варақ.
38. ЎзРМДА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 4424-иш, 14-варақ.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори, доцент)